

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Нуруллаев Дилшод Суннатулло ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Мақола оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатидаги фаолиятига бағишланган. Мақолада шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини ёритилади ҳамда қонунчиликдаги доимий ўзгаришлар ва институционал назорат шакллариининг такомиллашиши таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: коррупция, оммавий ахборот воситалари, хуқуқий онг, хуқуқий маданият, хуқуқий таълим, жамоятчилик назорати, давлат дастури.

Аннотация: Статья посвящена деятельности средств массовой информации в политике противодействия коррупции. Также в статье освещаются организационно-правовые основы антикоррупционной деятельности СМИ, анализируются постоянные изменения в законодательстве и совершенствование институциональных форм контроля.

Ключевые слова: коррупция, правосознание, правовая культура, юридическое образование, общественный контроль, государственная программа.

Annotation: The article is devoted to the activities of the mass media in the policy of combating corruption. The article also highlights the organizational and legal basis of media's anti-corruption activities and analyzes the continuous changes in legislation and the improvement of institutional control forms.

Key words: corruption, legal consciousness, legal culture, legal education, public control, state program.

КИРИШ

Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш, омма ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш, қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш фуқаролик жамияти институтлари, жумладан оммавий ахборот воситалари зиммасига тушади.

Бошқарувни рағбатлантириш ва коррупцияни назорат қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳимдир. Бу нафақат коррупция унинг сабаблари, оқибатлари ва мумкин бўлган чоралар тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини оширади, шунингдек, коррупция ҳолатларини текширади ва ҳисобот беради. Оммавий ахборот воситаларининг самарадорлиги, ўз

навбатида, бунга боғлиқ ахборот олиш ва сўз эркинлиги муносабатларни яхшилайдди.

Оммавий ахборот воситалари коррупцияга қарши курашда икки вазифани бажаради: у коррупция, унинг сабаблари, оқибатлари ва мумкин бўлган чоратадбирлар тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш билан бирга бошқа назорат органларига ёрдам берадиган восита ҳисобланади.

Давлат раҳбарининг 2023 йил 19 декабрь кундаги Тошкент шаҳридаги Конгресс-марказида Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида иштирок этиши ва унда “Бизнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумни ўтказиш таклифимизни сизлар қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонамиз”, “Коррупцияга қарши курашишдек мураккаб жараёнларда энг олдинги сафларда бораётган оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида қадрлаймиз”², дея нутқ сўзлаши ҳам мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг бу соҳадаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Тадқиқот объекти

Тақиқот объектини оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти ва унда юзага келадиган муаммолар ташкил қилади. Тадқиқотнинг предмети оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, статистик ахборотлар ҳамда уларга таянган ҳолда қонун нормаларидаги оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти оптимиллаштириш ва ривожлантириш масалалари ташкил этади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Мамлакатимиз олимлари томонидан жумладан “Хуррият” мухбири, Гўзал Маликованинг “Коррупцияга қарши курашда ОАВ ўрни” номли автореферати, Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Утаев Ғайрат Ғайбуллаевичнинг “Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалтириш - давр талаби” номли илмий мақоласи, Ш.А.Холиқованинг “Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалалари”, ю.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати, Ўзбекистон Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, ф.ф.н Гулнора Бобожонованинг “Коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг роли” номли илмий мақоласи, Мухаммадиева Моҳинур Яхшибаевнанинг “Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти

² <https://дарё.уз/2023/12/19/энг-ёмони-жамият-коррадиган-манавий-зарар-шавкат-мирзиёев-коррупсияга-қарши-миллий-стратегия-ишлаб-чиқилишини-айтди>.

институтларининг ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари” номли (PhD) диссертациялари орқали ушбу мавзулар орқали тадқиқотлар ўтказилган.

Аммо, муқаддам оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти масаласи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро стандартлар, шунингдек миллий соҳавий қонун ҳужжатлари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида такомиллаштириш масаласи мамлакатимизда илмий даражада тадқиқ этилмаган.

Коррупция муаммоси бугунги тараққий этган замонда ҳам ўз актуаллигини сақлаб турибти. Унинг таъсирига қарши курашиш масаласи бутун дунё мамлакатлари олдига асосий вазифалардан бирига айланиб улгурди. Порахўрлик, ўзлаштириш, қариндош-уруғчилик ва непотизм каби шаклларда кечаётган ушбу иллат мамлакатларнинг қонун устуворлигига путур етказмоқда, иқтисодиётни издан чиқармоқда ва аҳолининг давлат органларига ишончини йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Жамиятда тенгсизликни кучайтириб, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли, давлатларда коррупцияга қарши курашиш сиёсий ирода, кучли институтлар ва фуқароларнинг фаол иштирокини ўз ичига олган кўп қиррали ёндашувни талаб қилмоқда.

Этимологик жиҳатдан "коррупция" атамаси латинча "corruptio" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "зиён, пора" деган маънони англатади. Лоббичилик, фаворитизм, протекционизм, сиёсий раҳбарлар ва ҳукумат амалдорларининг корпорациялар ва хусусий фирмаларнинг фахрий президентлари бўлиш анъаналари, давлат бюджети ҳисобидан тижорат тузилмаларига сармоя киритиш, давлат мулкани акциядорлик жамиятларига бериш, жиноий жамоалар алоқаларидан фойдаланиш ва бошқалар коррупциянинг яширин шакллари ҳисобланади.

Халқаро ҳамжамият коррупция деганда нимани тушунади? Кўп таърифлар мавжуд, аммо тўлиқ ва ҳуқуқий аниқлик йўқ. Коррупция ҳуқуқий тушунчадан кўра кўпроқ синтетик ижтимоий ёки криминологик тушунчадир, шунинг учун уни конкрет жиноят сифатида эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган қилмиш турлари мажмуи сифатида кўриш керак. "Коррупция - бу шахсий манфаатлар учун фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш" - бу таърифдан кўриниб турибдики, коррупция порахўрликдан ташқарида ҳисобланади³.

Россиянинг криминолог олимлари А.И.Долгова, А.С.Желудков томонидан коррупция тушунчасига берилган фиклар қўйидагича ҳисобланади: “Давлат ва бошқа хизматчиларнинг порахўрлик ва коррупцияси ҳамда шу асосда улар

³ СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ОПРЕДЕЛЕНИЮ ПОНЯТИЯ “КОРРУПЦИЯ” - М.М. Шакирьянов, кандидат юридических наук (КЮИ МВД России) <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-podhody-k-opredeleniyu-ponyatiya-korrupsiya/viewer>

томонидан шахсий ёки тор гуруҳда ғаразли фойдаланиш билан тавсифланган мансабдор шахсларнинг, расмий ваколатларнинг, тегишли ҳокимиятнинг корпоратив манфаатлари ва имкониятларини акс эттирган ижтимоий ҳодисадир"⁴.

Америкалик сиёсатшунос, халқаро масалалар бўйича етакчи эксперт Гарвард институти профессори Жозеф Най Роберт коррупцияга порахўрлик одамни мансабдорлик лавозимидан тортиб олиш учун мукофот бериш, қариндош-уруғчилик шахсий алоқалар асосида ҳомийлик қилиш ва давлат маблағларини шахсий фойдаланиш учун ўзлаштириб олиш киради, деб ҳисоблайди.

Коррупцияга қарши кураш ва коррупция даражасини ўрганиш бўйича нодавлат халқаро ташкилот – “Transparency International” нинг вакили Франсуа Валерианнинг фикрича, “Одил-судлов тизими жазолаш ва ҳукуматни назоратда ушлаб туриш имкониятига эга бўлмагунча коррупция гуллаб-яшнашда давом этади. Одил-судлов тизими сиёсий кучлар томонидан сотиб олинса ёки унга аралашса, одамлар азобланаверади. Раҳбарлар қонун устуворлигини таъминловчи ва коррупцияга қарши курашувчи институтларга тўлиқ сармоя киритиши ва мустақиллигини таъминлаши керак. Коррупция учун жазосиз қолишни тугатиш вақти келди”⁵.

Россиялик криминологлар П.А.Кабанов, Г.Ф.Хохряковлар эса коррупцияни “Давлат функцияларини бажаришга ваколатли (ёки уларга тенглаштирилган) шахслар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган моддий ва бошқа неъматлар ва имтиёзлар олиш учун ўз мақоми ва улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек уларга ушбу имтиёзлар ва имтиёзларни қонунга хилоф равишда тақдим этиши”, деб тушунади.

Бутун дунё бўйлаб коррупцияга қарши кураш ва коррупция даражасини ўрганиш бўйича нодавлат халқаро ташкилот – “Transparency International” нинг илмий изланиши юзасидан қилган хулосаларидан бири эса қўйидагича ҳисобланади: “Коррупцияга барҳам бериш учун аввало уни тушунишимиз керак. Шунинг учун биз коррупцияга нима сабаб бўлаётганини ва унга қарши нима эканлигини кўриб чиқамиз”⁶.

Умуман олганда, коррупция - бу давлат хизматчиларининг фаолияти, уларнинг жамиятнинг бошқа аъзолари билан ўз мансаб мавқеидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиши, давлат жамоат манфаатларига зарар этказиши билан боғлиқ муносабатларини ўз ичига олган ижтимоий ҳодисадир. Шунингдек, коррупция универсал аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки у инсоният цивилизацияси билан бирга пайдо бўлиб, ижтимоий тузилишнинг

⁴ Проблема коррупции в современной России и способы противодействия ей Тараканов Д.И, Ярославский государственный университет им. П.Г. Демидова, г. Ярославль

⁵ François Valérian - Chair of Transparency International, <https://www.transparency.org/en/cpi/2023>.

⁶ <https://www.transparency.org/en/research>

барча моделларига объектив равишда кириб борган ва унинг пайдо бўлиши жамиятни бошқариш функцияларининг изоляцияси, тегишли институтларнинг шаклланиши ва бошқарувчи одамлар гуруҳининг пайдо бўлиши пайтидан бошлаб юзага келган. Айнан шу ҳолатда мансабдор шахслар ресурсларни бошқариш ва қарорларни омма олдида эмас, балки шахсий манфаатлар учун қабул қилиш имкониятига эга бўлган. Жамиятнинг бошқа аъзолари эса, ҳаётнинг мунозарали ёки долзарб муаммолари бўйича уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш учун турли хил ҳақ тўлаш шаклларида фойдаланган ва шу йўл билан мансабдор шахсларга таъсир ўтказган.

Коррупция жамият ҳаётининг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатади. Яширин иқтисодийнинг ўсишига, рақобатбардош бозор механизмларининг бузилишига, солиқ тушумларининг камайишига, давлат бюджетининг заифлашишига олиб келади. Натижада давлат бошқарув аппарати самарадорлиги пасаяди, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига бўлган ишончи йўқолади, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузига путур етади. Коррупцион хатти-ҳаракатларнинг ривожланиши туфайли аҳолининг асосий қисми ўртасида бойлик тенгсизлиги ва қашшоқликнинг кучайишига сабаб бўлади.

Шунингдек, коррупция жамиятнинг криминаллашувига, уюшган жиноятчиликнинг кучайишига, давлат ва жамият ҳаётини тартибга солишнинг асосий қуроли сифатида қонунни обрўсизлантиришга бевосита сабаб бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти кўринишлари турлича бўлиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар жумласига, ҳуқуқни муҳофаза ҳамда ҳимоя қилувчи органлар билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки ҳам киради.

Оммавий ахборот воситалари коррупцияга қарши курашда муҳим рол ўйнайди, чунки у давлат ва хусусий сектордан масъулият ва шаффофликни талаб қилиши мумкин. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари давлат секторидаги коррупция ҳақида маълумот бериши бир қаторда, журналистик суриштирувлар коррупцияни жамоатчилик назорати остига олиш ва жазосиз қолишга қарши курашишда ҳал қилувчи рол ўйнайди⁷.

Мамлакатамизда оммавий ахборот воситаларининг бугунги кунда жамият ҳаётида ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардги ўрни тезлик билан мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса уларнинг мақсад ва вазифаларини ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамлаш бориш заруриятини юзага келтиради. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши эса давлат аппарати ва

⁷ “Citizen participation in anti-corruption efforts”, knowledge tools for academics and professionals Module Series on Anti-Corruption, <https://www.unodc.org/e4j/en/anti-corruption/module-10/key-issues/the-role-of-the-media-in-fighting-corruption.html>

фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштиришда муҳим омил бўлди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди, фақат жазолаш билан кўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди⁸.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий меҳанизмлар такомиллишиб, у жамият ҳаёти биланг ҳамо-ҳанг ривожланиб бормоқда. Соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамият касб этган қонун ва қонуности ҳужжатлар, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашиш учун қабул қилинган маъмурий ислоҳатлар бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Стратегиянинг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари қисмида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масаласи кўрсатиб ўтилган⁹.

2017 йил 4 январьда кучга кирган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонуни эса бевосита коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳамда коррупцияга қарши курашиш механизмларини ўзида акс эттирган муҳим қонун ҳужжати бўлди.

Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар сифатида коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш, манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик

⁸ Коррупцияга қарши курашда ОАВ ўрни - Гўзал МАЛИКОВА, “Хуррият” мухбири.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон, [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/3107036>

юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият эканлиги кўрсатиб ўтилди¹⁰.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш кабилар белгиланган¹¹.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти кабилар коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида қайд этилган¹².

Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирокнинг кўринишилари, яъни коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкинлиги қонуннинг 14-моддасида айтиб ўтилган.

Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритишидан олдин унинг унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берадиган қонун нормаларига эътибор берадиган бўлсак, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон, [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/3088008>

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон, [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/3088008>

¹² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон, [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/3088008>

Конституциясининг XV боби оммавий ахборот воситаларига бағишланади. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадиши, давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлаши, оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар эканлиги Конституциянинг 81-моддасида айтиб ўтилган¹³. Шунингдек, цензурага йўл қўйилмайлиги, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши эса Конституциянинг 82-моддасида белгиланган¹⁴.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг 15.01.2007 йилдаги ЎРҚ-78-сонли Қонуни белигилаб беради.

Қонунинг 4-моддасида оммавий ахборот сифатида оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситаси эканлиги кўрсатиб ўтилади¹⁵.

2017 йил 4 январьдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонунининг 15-моддасида оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши шакллари кўрсатиб ўтилган.

Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши мазкур модданинг биринчи қисмида кайд этилган¹⁶.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши қонуннинг 6-моддасида таъкидланган.

Давлат дастурлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” ва 2021 йил 6 июлда

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/6445145#6445735>

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/6445145#6445735>

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси қонуни, [Электрон манба]. 15.01.2007 йилдаги ЎРҚ-78-сон, 4-моддаси, <https://lex.uz/docs/1106870>

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон, [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/3088008>

ПФ-6257-сонли “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармонида илова сифатидаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури” ларини айтиб ўтиш мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг мазкур соҳадаги иштироки давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, уларнинг лойиҳалари газеталар, журналлар, ахборотномалар ёки электрон тарзда телерадио ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар орқали унинг кенг омма учун муҳокамага қўйилиши, бевосита жамоатчиликнинг иштирокида уларнинг фикр мулоҳазалари тингланиши кабиларда кўринади.

Шунингдек, давлат дастурларини ишлашда ва тасдиқлашда халқ фикрини тинглаш, тегишли таклифлар олиш, дастурларни очиқ ва шаффоф муҳокама қилиш орқали уларни бойитишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида рол уйнайди.

Бундан ташқари, давлат дастурларини ишлаб чиқишда ушбу дастур кучга кириши ҳамда ишлаши бошқа бир коррупциявий ҳолатларга йул очиб бериши ёки бермаслиги ёки уни такомиллаштириш учун муҳим таклифларни олишда оммавий ахборот воситалари боғловчи кўприк вазифасини ўтаб беради. Чунки оммавий ахборот воситалари орқали давлат дастурлари муҳокама қилинади, ўзгаради, қабул қилинади ва кучга киради.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонунининг 15-моддасининг иккинчи қисмида оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишдаги яна бир иштироки сифатида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритиши қайд этилган.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий иммунитетни, ҳуқуқий саводхонлик даражасини яхшилаш бугунги куннинг давр талаби ҳисобланади. Чунки бугунги сиёсий жараёнларда кишиларнинг фикрини, дунёқараши ошириш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг қонунни билиши ва унга амал қилиши уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ёрдам берувчи куч ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситаларининг яна бир ваколати коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишидир.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятида ҳисобдорлик ва ошкораликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик назорати механизмлари турли манфаатдор томонларни, жумладан, фуқаролик жамияти ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фаоллар ва манфаатдор фуқароларни ўз ичига олади, улар давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги сай-ҳаракатларини кузатиб боради ва текширади. Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик назоратида ошкоралик, ҳисобдорлик ҳамда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий жараёлардаги фаол иштироки коррупцияга қарши кураш чоралари самарадорлигини таъминлашнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари уларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликдаги доимий ўзгаришлар ва институционал назорат шаклларининг такомиллашиши коррупцияга қарши курашишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилсада, у мамлакат маданиятининг бир қисмига айланмаса, одамларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилмаса, ҳеч қандай шаклда жамиятни ўзгартишга олиб келмайди. Чунки коррупция фақат ҳуқуқий масала эмас, коррупция ҳам жамият, маданият масаласидир. Фуқароларнинг коррупция оқибатларидан қўрқиши ёки коррупциянинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммо эканлигини англаши унга қарши курашишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари ҳам юқорида айтилган маданиятнинг муҳим устунидир. Оммавий ахборот воситалари коррупция ва бу муаммони ҳал қилиш йўллари ҳақида маълумот бериши билан бирга ҳуқуқий жихатдан бизнинг нима тўғри ва нима нотўғри эканлиги ҳақидаги тасаввуримизга таъсир қила олади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларга давлат бошқарувда ўз фикрларини билдиришлари ва ҳуқуқларини талаб қилишларига ёрдам беради.